


Фикҳ дарслари (221-дарс) Амалларингизни ботил қилманг!



19:00 / 09.03.2023 4069

نَعْرِهْدَنْسُمْ يَفِي لَعِي وَبَأَيَّوَر
ةَشْيَأَعْتُعَمَس : تَلَأَقَ ةَرْمَع
يَلَصْهَلَلَأُ لُؤَسَرَنَأَك : لُؤَقَت
يَلَصِي مَلَسَوِ هِيَلَعُ هَلَلَأ

لُصْفِي اَلِ تَاغْ كَرَعَبْرَا يَحْضِلَا مِ اَلَسَّبُّ نُهَنْيَب

Абу Яъло «Муснад»ида Амрадан ривоят қилади:

«Оишанинг «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зуҳо намозини орасини салом билан бўлмасдан, тўрт ракъат ўқир эдилар», деганини эшитдим».

Нафлни бошлаш ила у лозим бўлиб қолади.

Намоз бўлсин, рўза бўлсин ёки бошқа нафл ибодат бўлсин, уни бошлагандан кейин, охирига етказиш лозим бўлиб қолади. Ҳатто ўқиладиган нафл намоз ёки бошқа ибодат бузилиб қолса, уни қазо қилиш лозим бўлади. Нафл намознинг лозим бўлиши такбири таҳримани айтишдан бошланади.

Бу ҳукм Муҳаммад сурасидаги «Ва амалларингизни ботил қилманг» оятидан ва қуйидаги ҳадисдан олинган:

يَلَي دُهُأُ تَلَا قَ شِيءَا عَن
نِي تَمِيءَا صَانُ كَو، مَاعَطَا صَفَحَلَو
هَلَلَا لُوسَرَ لَخَدُّ مَث، اَنرَطَفَا ف
اَنلُقَفَا مَلَسَو هِيَلَعُ هَلَلَا يَلَص
اَنلُ تَي دُهُأُ اِنَا، هَلَلَا لُوسَرَ اِي: هَل
، اَنرَطَفَا فَا هَا اَنِي هَتَشَا فُ هِي دَه

هُلِّلَا يُلَّصَّ هَلِّلَا لُؤْسَرَّ لَاقَفْ أَمْؤُصْ ، أَمْكُيَلَعِ أَلْ « : مَلَسَوِ هَيْلَعِ بُأَخْصَا هَاوَر . «رَخَّ أَمْوَي هَنَاكَمْ نَنْسَلَا»

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Менга ва Ҳафсага таом ҳадя қилинди. Икковимиз рўзадор эдик. Бас, оғзимизни очиб юбордик. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кирдилар ва биз у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳадя қилинган эди, иштаҳамиз келиб, оғзимизни очиб юбордик», дедик.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Икковингизга ҳеч нарса бўлмайди. Унинг ўрнига бошқа куни рўза тутиб қўйинглар», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Илло, ўзига лозим деган гумон ила бошлаган бўлса, бундан мустасно.

Мисол учун, бир киши пешин намозини бошлади. Аммо бир оздан сўнг олдинроқ пешинни ўқигани ёдига тушиб қолди. Бас, кейинги намоз унинг учун нафлга айланади, аммо лозим бўлмайди. Яъни мабодо ўша намоз бузилса, қазосини ўқиш лозим бўлмайди.

Агар биринчи жуфт ракъатда ёки иккинчи жуфт ракъатда нафлни бузса, икки ракъатни қазо қилади.

Бу ҳолда тўрт ракъатли нафл намознинг ҳар икки ракъати алоҳида ҳисобланиши кўзда тутилган. Агар биринчи икки ракъатда намоз бузилса, ўша икки ракъатнинг қазоси ўқилади. Агар иккинчи жуфтликда намоз

бузилса, биринчи икки ракъат қабул бўлган-у, кейингининг қазосини ўқиш лозим бўлади.

Нафл намозининг ҳар бир ракъатида қироат қилиш вожибдир, чунки нафлнинг ҳар бир жуфт ракъати алоҳида намоз ҳисобланади. Тўрт ракъатли нафл намозининг учинчи ракъатига туришнинг ўзи такбири таҳрима ўрнига ўтади.

Шунинг учун ҳам такбири таҳримани айтиш билан икки ракъат лозим бўлади.

«Мухтасар» матнининг келаси жумлаларида нафл намозда қироатнинг тарк қилинишига оид масалалар зикр қилинади.

Биринчи жуфтнинг иккала ракъатида ҳам қироатни тарк қилиш Абу Ҳанифанинг наздида такбири таҳримани ботил қилади.

Айнан такбири таҳрима ботил бўлгани учун, унинг кетидан ўқилган кейинги икки ракъат ҳам тўғри бўлмайди. Агар биринчи ракъатнинг бир ракъатида қироат тарк қилинса, бошқасида тарк қилинмаса, такбири таҳрима ботил бўлмайди, чунки Ҳасан Басрий ва бошқалар шу ҳукмни айтганлар.

Муҳаммаднинг наздида эса бир ракъатда тарк қилса ҳам, (такбири таҳрима ботил бўлади).

Чунки бир ракъат ҳам намознинг амалларидан ҳисобланади. Амаллар эса бир ракъатда қироатни тарк қилиш билан бузилади.

Абу Юсуфнинг наздида қироатни тарк қилиш асло такбири таҳримани бузмайди.

Чунки қироат зиёда рукндир. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолатларда қироатсиз намоз тўғри бўлган. Мисол учун, ўқишни билмайдиган, соқов ва муқтадийлар қироат қилмасалар ҳам, намози тўғри бўлаверади. Бас, шундай экан, қироатни тарк қилиш такбири таҳримани ботил қилмайди.

Балки адони фосид қилади.

Яъни қироатни тарк қилиш такбири таҳримани ботил қилмаса ҳам, адони ботил қилади.

Шунинг учун Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳининг наздида мазкур ҳолатда тўрт рақъатни қазо қилади.

Абу Ҳанифанинг наздида такбири таҳримани ботил қилгани учун у намозни қайта ўқийди.

Бу икки ҳукмнинг дақиқ фарқини ажратиб олиш осон эмас.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг ижтиҳодлари бўйича, қироат қилинмаган бўлса, такбири таҳрима ботил бўлади. Яъни худди намоз ўқимагандек бўлади. Шунинг учун уни қайтадан ўқилади.

Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳининг ижтиҳодлари бўйича, такбири таҳрима ботил бўлиб, намоз ўқимагандек ҳукмга ўтиб қолмайди, балки намоз бошланган ҳисобланади. Аммо қироатни тарк қилиш ила уни адо этишда хатога йўл қўйилгани учун намоз бузилади. Бошланган намоз хато туфайли бузилгани учун унинг қазосини ўқиш лозим бўлади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.